


Ilmoyi-tarixiy, ilmiy va ommabop jurnal



SOHBQIRON YULDUZI



Соҳибқирон юлдузи

№3 (45) 2021 йил

*“Bizkim-mulki Tiron, amiri Turkistonmiti, bizkim
- millatlarning eng qadimi va eng ulugʻi Turkning
bosh boʻgʻininitiz!”*

Sohibqiron Amir Temur





ТАДҚИҚОТЛАР

Дурдона МУРОДОВА, Архелогик ландшафтларнинг ўрганилиши.....	82
Н.ЖЎРАЕВ, С.МУРТАЗОВА, Бетакрор истеъдод соҳиби ва етук санъаткор.....	88
Ихтиёр КУШШАКОВ, "Чорчинор" эпиграфик ёдгорликлари.....	95
Қодирхон МАҲМУДОВ, "Саҳиҳул Бухорий"нинг Юний нусхалари.....	100
Усмон МЎМИНОВ, Америкалик дипломат Ю. Скайлернинг "Туркистон" асарида Қарши шаҳри тавсифи.....	105
Д. ЖАМОЛОВА, Туркистон ўлка мусулмонлар бюроси ва унинг фаолияти....	110
Валишер АБИРОВ, Манбашунослик тадқиқотларида Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалалари	117
Суннатullo МУҲИДДИНОВ, Туркистондаги жаид мактаблари фаолиятига янгича назар.....	124
Интизор МАМАЖОНОВА, Мустақиллик йиллари нотариат соҳасининг илк ислоҳ қилиниши ва нотариатга оид қабул қилинган ҳужжатлар.....	130

РУҲИЯТ СУРАТИ

Абдурасул РАҲИМОВ, Кандак Оқработнинг қадимий номими?.....	141
--	-----





TADQIQOT

MUSTAQILLIK YILLARI NOTARIAT SOHASINING ILK ISLOH QILINISHI VA NOTARIATGA OID QABUL QILINGAN HUJJATLAR

Интизор МАМАЖОНОВА

Чирчиқ давлат Педагогика институти.

Таянч сўзлар: Notarius, хат ёзувчи котиб, note, давлат нотариуси, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус, нотариуснинг мустақиллиги, нотариал идора, нотариал ҳаракат, нотариуснинг ҳуқуқи, лицензия, нотариуснинг мажбурияти, нотариус ёрдамчиси, нотариус стажёри, нотариат сири, нотариал фаолият босыичлари, жисмоний шахс, юридик шахс, халқаро Лотин нотариати

Кириш

Нотариат ҳуқуқ соҳасининг бир бўғини ҳисобланади. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ичида нотариат ўз ўрнига эга бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда жамият ҳаётида муҳим ўрин тутати.

Мамлакатимиз 1991 йил 31 августда мустақил Республика деб эълон қилинди, ушбу ҳолат тегишли тартибда қонунан мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети мамлакатимиз мустақиллигини эълон қилиниши билан боғлиқ қарор¹ ва 1991 йил 31 августда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги Асослари тўғрисида"² ги қонунни қабул қилди. Мамлакатимиз мустақилликнинг илк кунлариданоқ ривожланишнинг дунё тажрибасида синалган, ўз навбатида кейинчалик "ўзбек модели" деб тан олинган ўзига хос бўлган тараққиёт моделини ишлаб чиқди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат маъмурий идоралар тизимида ўзига хос ўрин тутати. Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида³ ҳам мустақиллик йилларида нотариал хизматга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Нотариат тўғрисида" ги қонун бугунги кун талабига тўлақонли жавоб бермаётганлиги, Қонунни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.⁴

¹ Постановление Верховного Совета Республики Узбекистан №335-ХП от 31 августа 1991 года. Сборник нормативных актов - Т.: 1995 ИПК "Шарк" Составитель: доктор юрид. наук А.Х. Саидов.

² Об основах Государственной независимости Республики Узбекистан - XII от 31 августа 1991 года. Сборник нормативных актов - Т.: Ташкент - 1995 ИПК "Шарк" Составитель: доктор юрид. наук А.Х. Саидов.

³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-Услубий Рисола. - Т.: - 2017. 180-183 бетлар.

⁴ Уша рисола. 2017. 180-183 бетлар.